



# Тўлов терминалларини ижарага бериш оммавий ОФЕРТА шартномаси

№

Тошкент ш.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2020й.

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу оммавий оферта (кейинчалик – ОФЕРТА) шартномаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг 369 моддаси 2-қисмига асосан Низом асосида фаолият кўрсатувчи «DAVR BANK» ХАТБ ва тўлов воситаларини (терминалларни) "Ижарага олувчи" барча ташкилотлар ўртасидаги қуйида кўрсатилган шартлар асосида умумий оферта шартномаси бўлиб ҳисобланади.

1.2. Ушбу оферта шартномасининг 2.2-бандида назарда тутилган шартлар Мижознинг Шартнома тузишга розилигини тасдиқлаш пайтдан бошлаб кучга кириши ва ҳақиқий бўлиб ҳисобланади.

1.3. Оферта шартномасининг амалдаги версияси Банк веб-сайтида қуйидаги манзилда жойлаштирилган <https://www.davrbank.uz>

## 2. Асосий тушунчалар:

**Банк** – Мижозларга чакана хизматлари кўрсатувчи «Давр Банк» ХАТБ филиаллари;

**Банк картаси** - ўз эгасига банк ҳисобварағи орқали бир неча марта операцияларни амалга ошириш, жумладан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ҳисобварағидан нақд пул ҳамда банк кредитини олиш имконини берувчи маҳаллий ва халқаро тўлов картасидир. Банк картаси эгасининг банкдаги ҳисобварағи бўйича амалга ошириш мумкин бўлган операцияларнинг турлари банк карта эгаси ва эмитенти ўртасида тузилган шартномага асосан ўрнатилади;

**Слип** — банк пластик карточкасида фойдаланган ҳолда операция ўтказилганлигини тасдиқловчи ва ўзида операция сўммаси, тури, санаси, шунингдек банк пластик карточкасини ҳамда ушбу слипни шакллантирган терминални идентификация қилиш имконини берувчи ахборотларни акс эттирувчи терминал квитанцияси;

**Тўлов терминали** — товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловларни банк пластик карточкаси орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш имкониятини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича слипларни шакллантирувчи қурилма;

**Клиринг** — тўлов тизими иштирокчиларининг пулга доир ўзаро талаблари ва мажбуриятларини йиғиш, таққослаш ҳамда ҳисобга ўтказиш жараёни;

**Тўлов воситаси** — тўловни амалга ошириш учун асос бўладиган ёки фойдаланиладиган тўлов ҳужжати ёки электрон тўлов воситаси;

**Тўлов субагенти** — тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича субагентлик шартномасини тузган, банк ҳисобланмайдиган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

**Тўлов ташкилоти** — банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахс;

**Тўловчи** — тўлов кимнинг ҳисобидан амалга ошириладиган бўлса, ўша шахс;

**Тўлов хизмати** — тўлов хизматини етказиб берувчининг тўлов хизматларидан фойдаланувчига кўрсатадиган хизмати;

**Тўлов хизматлари бозори** — тўлов хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек тўлов воситаларини чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи;

### 3. Шартномамазмуни

#### 3.1. Банк савдо ташкилотига тўловларни қабул қилиш учун савдо терминали ўрнатади;

Терминал номи	Терминал маркаси	Серия рақами	Сўммаси

### 4. Банкнинг мажбуриятлари

- 4.1. Ижарага берувчи куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади;
- 4.2. Ушбу шартнома бўйича барча ҳисоб-китоб сўмда амалга оширилади;
- 4.3. Барча тўловларни терминал орқали пластик карточкалардан қабул қилганда тўловларни ўз вақтида ҳисоб варақларга ўтказиб беришни таъминлаш
- 4.4. Ижарага олувчи томонидан терминал техник қурилмаларни таъмирлаш учун ёки бошқа ҳолатларда ижарага берувчига қайтарганда сабабларини ёзма маълум қилиш, топшириш ва қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштириш.
- 4.5. Банк оферта шартномада кўрсатилган тарифга асосан мижоз савдо терминал орқали амалга оширилган хар бир тўлов сўммасидан 0.2% (фоиз) шаклида банк хизмат ҳаққи ундирилади.

### 5. Ташкилотмажбуриятлари

- 5.1. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан мақсадли фойдаланиш.
- 5.2. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан Фойдаланганлиги учун ижара ҳаққини хар ойнинг 05 санасига банкнинг белгиланган ҳисоб варағига ўтказиб берилишини таъминлаш.
- 5.3. Тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалида Аниқланган носозликлар тўғрисида Ижарага берувчига ўз вақтида ёзма ҳабар бериш.
- 5.4. Зарур ҳолларда терминалидан мақсадли фойдаланилаётганлигини ва техник созлиги кўздан кечириш учун терминал ўрнатилган жойга ижарага берувчининг вакилларини киритиш.
- 5.5. Мижоз манзили ўзгарганда банкга 3 (уч) кун ичида ҳабар бериш.
- 5.6. Ижарага олувчи томонидан терминал техник қурилмаларни таъмирлаш учун ёки бошқа ҳолатларда ижарага берувчига қайтарганда сабабларини ёзма маълум қилиш, топшириш ва қабул қилишда лолатномаларини расмийлаштиришни талаб қилиш.
- 5.7. Ижарага олувчи томонидан терминал техник қурилмаларни бут сақлаш чораларини кўриш ва сақланишини таъминлаш.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

- 6.1. Ижарага берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:
- 6.2. Ижарага олувчидан тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан техник фойдаланишнинг ягона коидалари ва нормаларига риоя қилинишини талаб қилиш.
- 6.3. Ижарага олувчидан ижарага олинган тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминалидан фойдаланганлиги учун шартноманинг 2.2.2 -бандда кўрсатиб ўтилган муддатларда ҳақ тўлашни талаб қилиш ёки ҳисоб варағидан тўлаш кунда банк ҳужжати мемориаль ордер билан ҳисоб варағидан сўндириш, тўлов талабнома орқали ўндириш,
- 6.4. Ҳар чоракда бир марта (фавқулотда ҳолатлар бундан мустасно) ижарага олинган тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали ҳолатини кўздан кечириш.
- 6.5. Кечиктириб бўлмайдиган зарурат бўлиб қолганда терминал жихозларини қисмларини

тузатиб бериш (бу ҳақда миждоз томонидан хат орқали хабар қилингандан сўнг) агар текшириш жараёнида носозлик ижарага олувчи айби билан бузилганлиги ҳолатлари аниқланганда, тузатиш кийматини ўндириш.

6.6. Терминални сақлашда техник қоидаларга риоя қилишни талаб қилиш.

6.7. Ижарага берилган тўлов терминали орқали гумонли операциялар (бир мартада эҳтиёждан кўп миқдорда ва бир пластик картадан бирнеча марта йирик сўммадаги транзакциялар) амалга оширилгани аниқланганда ижара шартномасини бекор қилиш.

6.8. Терминалдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаганда, ижара ҳақи тўловлари тўлашни муддатлари кечиктирилганда, ой давомида терминалдан фойдаланилмаганда, шартнома шартларини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

6.9. Зарур ҳолларда ижарага берувчидан тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали техник қурилмаларининг ҳолатини режадан ташқари кўздан кечиришни талаб қилиш.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Ижарага берувчи мазкур шартномага кўра ўз мажбуриятларини бажармаганлиги миждоз ёзма ариза бериб муаммоларини хал қилишга ҳақли.

7.2. Ижарага олувчи мазкур шартномага кўра ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни ижарага берувчига қонунда белгиланган тартибда Банк тарифига асосан тўлаган ҳолда қоплайди.

7.3. Терминал ижарага олувчининг айби билан бузилганда, банк тарифига асосан асосий восита қолдиққиймати ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 1(бир) баробари миқдорида тўлов ўндирилади.

7.4. Терминал ижарага олувчининг айби билан йў котилганда, тўлов кундаги банк тарифларига асосан тўлик копланди

## **8. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ**

8.1. Мазкур шартноманинг муддати миждоз белан келишилган муддатга тузилди

## **9. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

9.1. Ижара шартномаси тўхтатилган ҳолларда ижарага олувчи тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминали техник жиҳозларини ижарага берувчига топшириш мажбуриятини оладилар. Ижарага олувчи рад жавобини бериши мумкин эмас.

## **10. ЯКУНЛОВЧИ ШАРТЛАР**

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг хоҳлаган бири томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда, иккинчи томонни бу ҳақда 1 (бир) ой аввал хабар қилган ҳолда бекор қилиш мумкин.

10.2. Мазкур шартномани бажариш чоғида томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иктисодий судида белгиланган тартибда хал этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди, улардан бири ижарага берувчида, иккинчиси ижарага олувчида туради.

10.4. Шартноманинг барча иловаси узилмас қисми бўлиб ҳисобланади.

10.5. Оферта шартномасининг янги версияси ва банкнинг янги тарифи веб-сайт, мобил илова ҳамда электрон воситалар (смс хабарлар, почта, оммавий ахборот воситалар) орқали ўзгартиришларни хабардор қилиб, Банк бир томонлама оферта шартномасига ва банк тарифига ўзгартириш киритади. Ушбу янги оферта шартномаси Банк ва миждоз учун мажбурий бўлиб қолади.

**Банк реквизити ва адреси:**

**ХАТБ “Давр Банк”**

**Адрес: Тошкент шаҳар,**

**Шимолий-Олмазор 17Б**

**р/с 16103000800000981001**

**МФО: 09051, ИНН: 203709707**

**ОКЕЭ:64190, ОКПО:203709707**